

ZO‘RAVONLIKKA UCHRAGAN XOTIN-QIZLARNI IJTIMOYIY-HUQUQIY HIMOYA QILISH MASALALARI

Normamatova Maxsuda

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti professori

Salimova Jasmina, talaba

Annotatsiya. Ushbu maqolada jamiyatimizda uchraydigan salbiy illatlardan biri ayollarga nisbatan bo‘ladigan turli tazyiqlar va zo‘ravonlik holatlari haqida bayon qilinadi. Zo‘ravonlikka uchragan xotin-qizlarga davlatimiz tomonidan ko‘rsatiladigan qonuniy va ijtimoiy ko‘maklar ham batafsil ko‘rib chiqilgan.

Аннотация. В данной статье описывается одно из негативных зол нашего общества различные формы угнетения и насилия в отношении женщин. Также подробно рассматривается правовая и социальная поддержка, оказываемая государством женщинам, подвергшимся насилию.

Abstrakt. This article describes one of the negative evils in our society, various forms of oppression and violence against women. The legal and social support provided by our state to women who have been subjected to violence is also examined in detail.

Давлатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йуналиши бўлиб, Конституциямиз ва кодексларимизда, қонунларимизда инсон эрки, кадр-қиммати энг олий кадрият сифатида мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, “Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркаларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”. Бугунги кунда изчиллик билан амалга оширилаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам ушбу муҳим масала теран акс этган.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилиб, унга хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти қайта ташкил этилди⁴⁷. – хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла в анурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81- сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди⁴⁸. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрганларга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун 1146- қисқа рақамли «ишонч телефони»ларининг узлуксиз ишлаши йўлга қўйилди⁴⁹. – «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, хотинқизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни иш билан таъминлаш ҳамда касб-ҳунар эгаллашида кўмаклашиш йўлга қўйилди.⁵⁰ – хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шартшароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан, давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш⁵¹ фаолиятининг йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Мазкур чора-тадбирларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши орқали хотинқизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг профилактикасини ташкилий жиҳатдан таъминлаш: а) ички ишлар органлари бўлинмаларини, маҳалла институтини доимо халқни хизматида бўлиш, аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, уларнинг роли ва аҳамиятини оширишга; б) аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга; в) жамият, маҳалла, оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга; г) маъмурий ҳудудларда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилишга; д) оғир ижтимоий ҳаётий вазиятларга тушиб қолган, оиласи нотинч бўлган, тазйиқ ва зўравонликка дучор бўлаётган хотин-қизларни аниқлаш ва улар билан манзилли профилактика ишларини кучайтиришга; е) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг бошқа давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўз навбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида хотин-қизларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда аёлларга

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 250-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 октябрдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 625-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 650-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони.

нисбатан тазйикларга барҳам бериш ҳамда ҳар қандай зўравонликларнинг олдини олиш бўйича қатор қонунлар қабул қилинган.

“Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 2019 йилда қабул қилинган Қонун ва “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йилда қабул қилинган қонунларда хотин-қизларга нисбатан тазйик ва зўравонликка барҳам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши, уларни ижро этувчи ваколатли органлар, уларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ижро этиш механизмлари, жамоатчилик назоратини олиб бориш имкониятлари каби қатор тартиб тамоийлар белгилади. Шунингдек, биринчи маротаба “ҳимоя ордери” тушунчаси киритилиб, уни бериш тартиби, ҳимоя ордери зўравонликдан жабрланувчига берилиши назарда тутилган.

Тегишли ҳудудда тазйик ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйик ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайдан эътиборан кучга киради. Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Қонун аёлларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилишга, шунингдек тазйик ва зўравонлик қурбонларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, тазйик ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек бундай қилмишларни содир этганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 69-бандида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, жамиятда хотин-қизларга тазйик ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш; хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш; ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини

ошириш; турар жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш; оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш; «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш кабилар.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда аёл-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда хотин-қизларга нисбатан муносабатни янада яхшилаш, уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни тобора мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 250-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 октябрдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 625-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 650-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони.